

АЁЛЛАР ДаФТАРИ"ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА.



Юртбошимиз томонидан сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг нафакат ижтимоий фаоллиги, балки турмуши фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шу жумладан Қумкўрғон туманида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан "Аёллар дафтарига" киритилган 33 нафар хотин-қизларга ва "Ёшлар дафтарига" киритилган 3 нафар хотин-қизларганинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари бериш тавсия қилинган.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази директори А.Жумаев томонидан тикув машиналари ўз эгаларига топширилди.